

**БИРИКТИРИЛГАН МАҲАЛЛА (ҚИШЛОҚ, ОВУЛ) ХУДУДИДАГИ
КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТНИ МУНТАЗАМ РАВИШДА ЎРГАНИБ
БОРИШ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРГА
БАРҲАМ БЕРИШ ТАРТИБИ**

Баҳромжон Бахтиёрович Турғунбаев

Ўзбекистон Республикаси,

ИИБ Малака ошириш институти ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторлари бошқа хизмат ходимлари ва давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролар билан ўзаро ҳамкорликда жиноятчиликни олдини олишни яхши ташкиллаштирганларида ижобий ва самарали натижаларга эришишлари мумкин.

Калит сўзлар: криминоген вазият, ҳаракат қилиш майдони бўйича, табиий кучлар, жиноят, фавқулодда вазият, маъмурий ҳудуд.

Аннотация: В статье утверждается, что инспекторы по профилактике могут добиться положительных и эффективных результатов, если они хорошо организуют профилактику правонарушений во взаимодействии с другими сотрудниками служб и государственных органов, общественными объединениями и гражданами.

Ключевые слова: криминогенная обстановка, зона действия, стихийные бедствия, преступность, чрезвычайная ситуация, административная территория.

Abstract: This article shows that prevention inspectors can achieve positive and effective results when they organize crime prevention in cooperation with other service personnel and government agencies, public associations, and citizens.

Keywords: criminogenic situation, area of operation, natural forces, crime, emergency situation, administrative territory.

Бугунги кунда криминоген вазиятга ташқи омиллар таъсири ҳам кундан-кунга кучайиб бормоқда. Айниқса, дунё давлатлари ва халқлари ўртасидаги муносабатлар ва муаммоларнинг глобаллашуви, жадаллашуви, халқаро жиноятчилик, унинг уюшган тури, терроризм, гиёҳвандлик, қурол-яроғ ва одам савдоси каби кўринишларининг кенгайиб бораётганлиги, шунингдек ўзларининг ғараз мақсадларини амалга ошириш учун турли йўл ва усуллар билан минтақадаги, алоҳида давлат ёки унинг маълум бир ҳудудидаги барқарор вазиятни бузишга ҳаракат қилаётган кучларнинг мавжудлиги ҳар қандай барқарор вазиятга салбий таъсирини ўтказди.

Жамиятда, унинг айрим ҳудудлари ва соҳаларида криминоген вазиятнинг мураккаблашуви куйидаги омиллар билан боғлиқ:

биринчидан, ноқулай иқтисодий-ижтимоий шароитларнинг мавжудлиги;
иккинчидан, давлатнинг маъмурий буйруқбозлик усулида жамиятни бошқариши, аҳолининг кўпчилигида шаклланган бир текисчилик психологиясининг мавжудлиги;

учинчидан, бозор иқтисодига ўтиш даврида ислохотларни амалга оширишдек масъулиятли вазифаларни бажаришда айрим шахсларнинг суистеъмолликлари, хато ва камчиликларга йўл қўйилиши;

тўртинчидан, жиноятчилик, айниқса унинг уюшган, ёпиқ ва қабих тури бўлган коррупция ва порахўрликнинг мавжудлиги.

Криминоген вазиятга таъсир қилувчи психологик омиллар, уларни профилактика хизмати фаолиятида ҳисобга олиниши муҳим ҳисобланади.

Фикримизнинг исботи сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Одамлар ўзини қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун тўла ишонч билан, авваламбор, ички ишлар идораларига, профилактика инспекторларига мурожаат қилишига, ҳар бир ходимда ўз ҳимоячисини кўришига эришиш зарур. Шундагина ички ишлар органлари халқ ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонади», деган сўзларини келтириб ўтиш жоиздир. Президентимизнинг мазкур сўзлари, ҳар бир профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида қатъий принципга амал қилиши даркор.

Криминоген вазият – бу мазмун бўйича жиноий ниятнинг, жиноят содир қилиш мақсадининг шаклланишига шароит яратувчи ва жиноий натижага эришиш учун қулай ҳисобланган, яъни жиноят содир этишга кўмаклашувчи вазиятдир.

Криминоген аниқ ҳаётий вазиятлар криминология фани асосида қуйидагича турлича тавсифланади:

Ҳаракат қилиш вақти бўйича - узоқ муддатли (масалан, қурғоқчилик натижасида ҳосилнинг бўлмаслиги ёки айрим истеъмол буюмларининг тақчиллиги) ва қисқа муддатли (дўконда навбатда турганда келиб чиққан низо) вазиятларга бўлинади.

Ҳаракат қилиш майдони бўйича - эса криминоген вазиятларни аниқ бир шахсга ёки бир гуруҳ шахсларга тааллуқли (оилавий жанжалкаш, бирор шахснинг вафоти, мулкнинг ўғирланиши) ва умумий, яъни барчага тааллуқли (табиий офат, жамоадаги носоғлом вазият, давлатдаги сиёсий барқарорликнинг йўқлиги, миллий низолар ва бошқалар) бўлган криминоген вазиятларга ажратиш мумкин.

Келиб чиқиш манбаи бўйича - табиий кучлар таъсирида келиб чиқадиган (ноқулай об-ҳаво шароити кишилар ўлимига, мулкларининг яроқсизланишига олиб келган ҳодисанинг юз бериши) ва одамлар томонидан вужудга келтирилган (спиртли ичимликлар ичиб безорилик содир этиши ёки бошқа турли ахлоққа зид

ҳаркатлар) криминоген вазиятларга бўлинади.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳар қандай криминоген вазият ўз ҳолича мустақил ҳолда шахсни жиноят содир этишга олиб келмайди. Негаки, жиноятлар бирдан юзага келган криминоген вазиятлар туфайли эмас, балки инсоннинг муайян барқарор шахсий хислатлари ва қадриятлари сабабли содир этилади.

Жиноят содир этиш вақтидаги криминоген вазият бу шахснинг муҳит билан алоқасининг алоҳида даражаси ҳисобланади. Бу алоқада салбий хусусиятларга эга бўлган шахсдаги жиноят содир этишга мойиллиги криминоген вазият таъсирида муайян хатти-ҳаракатга айланади. Аниқ ҳаётий вазиятнинг шахс муайян жиноят содир этишига таъсири криминоген вазиятлар туфайли эмас, балки инсоннинг муайян барқарор шахсий хислатлари ва қадриятлари сабабли содир этилади. Аммо ўз навбатида криминоген вазият жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларга ўзининг ғайриҳуқуқий қилмишини содир этишга шарт-шароит, имконият яратиб беради. Масалан, фавқулодда ҳолатлар сув тошқини, ёнғин, zilзила ва бошқалар содир бўлганда «ўғрилиққа» мойил бўлган шахслар бу ҳолатда ўзини йўқотиб қўйган ва ваҳимага тушиб, ўз мол-мулкини қаровсиз қолдирган фуқароларнинг буюмларини, пулларини ва бошқа бойликларини ўзиники қилиш мақсадида талон-тарож қилишга интилади ва кўп ҳолларда амалга оширади.

Криминоген вазиятлар шахсни турли салбий-ижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга ундайди, ундаги муайян жиноий тажовузнинг мотивини шакллантиришда, унинг характери, мақсадини белгилайди ва жиноят содир этишда субъектив омилнинг муайян жиноий хатти-ҳаракатда намоён бўлишига кўмаклашувчи шароит ролини бажаради.

Криминоген вазиятлар шахсни турли салбий-ижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга ундайди, ундаги муайян жиноий тажовузнинг мотивини шакллантиради, унинг характери, мақсадини белгилайди ва жиноят содир этишда субъектив омилнинг муайян жиноий хатти-ҳаракатда намоён бўлишига кўмаклашувчи шароит ролини бажаради. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, криминоген вазиятлар турли хил қарашларга эга бўлган шахсларга турлича таъсир қилади. Яъни, жамиятга зид қарашга эга бўлган шахсларга жиноий хатти-ҳаракатлар содир этишига ёрдамлашади, ҳар томонлама баркамол, ижобий хусусиятларга эга бўлган шахслар эса бундай вазиятларда умуминсоний ва ҳуқуқий нормаларга мувофиқ ҳаракат қиладилар.

Криминоген вазият шахсни турли салбий-ижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга ундайди, ундаги муайян жиноий тажовузнинг мотивини шакллантиради, унинг характери, мақсадини белгилайди ва жиноят содир этишда субъектив омилнинг муайян жиноий хатти-ҳаракатда намоён бўлишига кўмаклашувчи шароит ролини бажаради. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки,

криминоген вазиятлар турли хил қарашларга эга бўлган шахсларга турлича таъсир қилади. Яъни, жамиятга зид қарашга эга бўлган шахсларга жиноий хатти-ҳаракатлар содир этишига ёрдамлашади, ҳар томонлама баркамол, ижобий хусусиятларга эга бўлган шахслар эса бундай вазиятларда умуминсоний ва ҳуқуқий нормаларга мувофиқ ҳаракат қиладилар.

Криминоген вазиятлар шахсларга таъсири бўйича фавқулоддаги, иғво қилувчи ва жаҳлни чиқарувчи хусусиятларга эга бўлган турларига бўлишимиз мумкин.

Фавқулодда вазият - бу кутилмаганда, бирданига вужудга келган шахсга кучли таъсир қилувчи ҳолатни айтамыз. Масалан, кутилмаган ҳужумни қайтариш мақсадида зарурий мудофаа чегарасидан чиқиш.

Иғво қилувчи - бунда шахсни ўзига оғдирувчи ҳолат пайдо бўлиши мумкин, масалан мулкни очиқ қолдирилганлиги ўғирлик қилишга ундаши ёки номуста тегиш жиноятида жабрланувчининг ахлоқий бузуклиги кабилар.

Жаҳлни чиқарувчи - бунда шахсни кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатига тушурувчи ҳолатларни айтамыз. Масалан, оиладаги жанжаллар ёки бошқалар томонидан ҳақорат қилиниши оқибатида асаб бузилиши натижасидаги ҳолат.

Ички ишлар органлари профилактика хизмати криминоген вазиятни ўрганишда шахсда жамиятга зид йўналиш ва ғайриижтимоий хулқ-атворни шакллантирувчи ҳодиса, воқеа ва жараёнларни, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир бўлувчи жойларни, (объектлар, кўчалар, бозорлар в.х.к.) ҳамда ҳуқуқбузарликларни содир этувчи ва профилактик ҳисобда турган шахслар ҳақидаги маълумотларни тўлиқ билиши лозим.

Жамиятда, унинг айрим ҳудудлари ва соҳаларида криминоген вазиятнинг мураккаблиги қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин:

биринчидан, маъмурий ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка ва виктимологик профилактикасининг самарали ташкил этилмаслиги;

иккинчидан, айрим тоифадаги оилаларда носоғлом муҳитнинг мавжудлиги, оилада тарбиянинг сустлиги ва шахснинг спиртли ичимлик, гиёҳвандликка ружуъ қўйиши;

учинчидан, илгари судланган ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларнинг кўпайиши;

тўртинчидан, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилишига имкон берувчи омилларнинг кўпайиши ва бошқалар.

Профилактика хизматлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарадорлигини ошириш учун ҳудуддаги оператив вазиятни, аҳоли таркибини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиши, профилактик ҳисобда турган шахсларнинг турмуш тарзи ва хулқ-атворини, ҳудуднинг хусусиятларини, транспорт воситаларининг ҳаракатини, дам олиш ва кўнгилочар масканларни, диний ва

оммавий маросимлар ўтказиладиган жойларни, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг товар-моддий бойликлари сақланадиган омборларини, ғазналарнинг жойлашиши, техник жиҳатдан ҳимояланганлиги ва қўриқланиш тартибини ва мазкур ҳудудни таърифловчи бошқа барча маълумотларга эга бўлишлари зарур. Шу билан бирга мазкур маълумотларни чуқур ўрганиш ва таҳлил этилишини талаб этади.

Профилактика хизматлари томонидан криминоген вазиятни умумий таҳлил қилиш фаолиятининг моҳияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- криминоген вазият, уни таҳлил этиш;
- криминоген вазиятни ташкил этувчи омиллар;
- криминоген ахборотларни ўрганиш; ҳуқуқ-тартибот ҳолатини акс эттирувчи ахборотларни ўрганиш ва уларнинг мақсади;
- ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиш; ҳуқуқбузарликлар динамикасини таҳлил қилиш;
- ҳуқуқбузар шахсини таҳлил қилиш ва ҳоказо.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар бўйича маълумот тўплаш, уларни таҳлил этиш ва улар асосида тегишли профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш керак бўлади.

Маъмурий ҳудудларда криминоген вазиятларга таъсир қилувчи бошқа омилларни ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар қуйидагиларни ташкил этади:

1. Маъмурий ҳудудни тавсифловчи маълумотлар (майдони).
2. Маъмурий ҳудудда яшовчи аҳолини тавсифловчи маълумотлар (катта ёшлилар ва вояга етмаганлар сони).
3. Маъмурий ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини тавсифловчи маълумотлар (иш билан таъминланганлик, ишлаб чиқариш корхона, ташкилотларининг мавжудлиги).
4. Ҳуқуқбузарликларни тавсифловчи маълумотлар.
5. Ҳуқуқбузарлик содир этган ва унга мойил шахсларни тавсифловчи маълумотлар.
6. Маъмурий ҳудуддаги жамоат тартибини сақлаш ва хавсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти субъектларининг тавсифловчи маълумотлар.

Профилактика хизматлари отомонидан криминоген вазиятни таҳлил этиш жараёнида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширилишини талаб этади, хусусан:

- ҳудудлардаги криминоген вазиятни чуқур таҳлил этиш, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисаларни тизимли қайд этиш, профилактик фаолиятни ташкил этишга оид зарур ахборотларни тўплаш, дастурлаштириш, таҳлиллар асосида куч ва техник воситалардан, профилактика субъектларининг имкониятларидан самарали

фойдаланиш тизимини яратиш ва унинг натижаларини таҳлил этиш;

– профилактик ҳисобга олинган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар, муқаддам судланган шахслар билан профилактик ишлар олиб бориш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод бўлганларга ишга жойлаштиришларида амалий ёрдам кўрсатиш;

– ёшлар, айниқса вояга етмаганлар ўртасида изчил профилактик тадбирлар амалга оширилишини ташкил қилиш, шунингдек давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда уларни ишга жойлаштириш, вояга етмаганларнинг ўқиш ва ишдан бўш вақтлари мазмунли ўтишини ташкил қилиш тадбирларини амалга ошириш;

– диний-экстремистик йўналишлардаги ташкилот ва гуруҳларнинг қонунга хилоф фаолияти иштирокчилари ва унга алоқадор шахсларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга нисбатан профилактик таъсир этишнинг комплекс тадбирларини қўллаш.

Профилактика хизматлари криминоген вазиятни аниқлашда қуйидаги маълумотлардан фойдаланадилар:

– маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда меҳнат органларидан олинган аҳолининг сони ва ишсизлар ҳақидаги маълумотлардан;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, кам таъминланган, жанжалкаш ва ноқобил оилалар ҳақидаги, шунингдек, вояга етмаганлар борасидаги маълумотлардан;

– маҳалла посбонлари жамоат тузилмаларидаги паспорт тизими қоидаларини бузаётган ҳамда уйдан узоқ муддатга чиқиб кетган фуқаролар, шунингдек гиёҳвандликка мойиллар, диний экстремистик оқимга аъзо бўлганлар ҳақидаги маълумотлардан;

– диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий, тарбиявий масалалар бўйича маслаҳатчиларда тўпланган ҳудуддаги аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, улар орасидаги ишсизлик, диний экстремистик оқимларга аъзо бўлганлар, шунингдек жиноят содир этишга мойиллар, гиёҳвандлар ва фарзандлари тарбияси билан шуғулланмайдиганлар, фоҳиша, қўшмачи, ахлоқан бузуқ аёллар ҳақидаги маълумотлардан;

- корхона, ташкилот ва муассасалардан уларнинг иш фаолиятига хавф туғдираётган, шунингдек ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этувчи шахслар ҳақидаги шахслар ҳақидаги маълумотлардан;

- таълим ва соғлиқни сақлаш органларидан ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳақидаги маълумотлардан.

Бугунги кунда ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган, ихтисослигидан қатъий назар, барча соҳа ходимлари ўз ишини маҳалладан, профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик қилишдан бошлаши, унга

таяниши лозим. Чунки аҳолининг асосий қисми маҳаллада яшайди. Маҳаллада ҳамма бир-бирини танийди, бегона ва нияти бузуқ кимсаларнинг бор-йўқлигини ҳам шу маҳалла аҳли яхши билади¹.

Профилактика инспектори криминоген вазият таҳлили натижаларига асосан маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида объектда айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши кучайганда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида чора-тадбирларни амалга оширади.

Содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар моҳияти, уларнинг юзага келиш сабаблари ҳамда криминоген вазиятнинг ҳолати ва хусусиятига таъсирини ўрганиш, таҳлил қилиш, ички ишлар органлари фаолиятини тезкор вазият тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш ҳамда шу асосда салбий омилларни бартараф этиш борасидаги ишларининг асосий йўналишларини белгилаш ташкил этади. Профилактика хизмати жамиятда бўлаётган ижтимоий муносабатлар ва ҳодисалар тўғрисидаги ахборотларни тўплаши, қайта ишлаши ва сақлаши, ўзаро алмашиши ҳамда уни таҳлил қилиши натижасида ишлаб чиқиладиган хулоса ва қарорлар асосида ҳуқуқбузарлик содир этган ёки унга мойил шахсларнинг тақдирига таъсир ўтказишлари боис ахборот-таҳлил иши ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бинобарин, ахборот асосида эришиладиган режалаштириш, қарор қабул қилиш ва фаол ҳаракат учун зарур бўладиган билим тегишли ижтимоий тизимни самарали бошқариш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, ички ишлар органлари профилактика хизматларининг фаолияти соҳасидаги ахборот деганда, профилактика хизматлари ўз функция ва вазифаларини амалга ошириш жараёнида бевосита таъсир кўрсатадиган атроф-муҳит ҳамда ижтимоий муносабатлар тўғрисидаги қайта ишланган маълумотлар, шунингдек ушбу тизим атрофидаги муҳит билан мақсадга мувофиқ тарзда ўзаро муносабатда бўлиш, ўз таркибий қисмларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, тизим олдида жамият томонидан кўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида самарали фаолият олиб бориш учун зарур бўладиган билимлар мажмуи тушунилади.

Профилактика хизматининг соҳавий хизмат ходимлари билан

¹ Қаранг: Тошкент шаҳар ИИББ Профилактика инспекторлари хизмат фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий билимини ошириш юзасидан услубий қўлланма. – Т., 2002. – 7-бет.

ҳамкорлигини самарали ташкил этилиши натижасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга эришиш мумкин.

Бундан ташқари, криминоген вазият таҳлили натижаларига асосан маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида объектда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келишини олдини олади.

Профилактика хизматларининг криминоген вазиятни ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш билан боғлиқ фаолиятини такомиллаштириш бутун фаолият давомида режалаштирилган асосда олиб бориладиган тадбирлар мажмунидан иборат бўлиб, айтиш мумкинки, у ички ишлар органлари фаолиятининг барча йўналишлари такомиллашувига чамбарчас боғлиқдир. Бу такомиллашув ҳамкорликдаги фаолиятга ҳам тааллуқлидир. Бунда ҳамкорликни тўғри йўлга қўя оладиган, касбий маҳоратга эга бўлган ходимлар ва раҳбарларнинг роли каттадир.

Криминоген вазиятни ўрганиш, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва унинг содир этилиши сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишда фойдаланилиши самарадорликни оширади.

Профилактика хизматлари томонидан криминоген вазиятни таҳлил қилиш фаолиятининг моҳиятини қуйидагиларда кўриш мумкин:

- криминоген вазият, уни таҳлил этиш; криминоген вазиятни ташкил этувчи омиллар;

- криминоген ахборотларни ўрганиш;

- ҳуқуқ-тартибот ҳолатини акс эттирувчи ахборотларни ўрганиш ва уларнинг мақсади;

- ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиш;

ҳуқуқбузарликлар динамикасини таҳлил қилиш; ҳуқуқбузар шахсини таҳлил қилиш ва ҳоказо.

Криминоген вазиятни ўрганишда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- ҳудудни тавсифловчи маълумотлар (майдони ва унинг ўзига хослиги);

- ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолини тавсифловчи маълумотлар (қариялар, етук ёшдагилар ва вояга етмаганлар сони);

- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини тавсифловчи маълумотлар (иш билан таъминланганлик, ишлаб чиқариш, корхона, ташкилотларнинг мавжудлиги);

- ҳуқуқбузарликларни тавсифловчи маълумотлар;

- ҳуқуқбузарлик содир этган ва унга мойил шахсларни тавсифловчи маълумотлар;

- ҳудуддаги жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти субъектларини тавсифловчи

маълумотлар.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар бўйича маълумот тўплаш, уларни таҳлил этиш ва улар асосида тегишли профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш керак бўлади.

Профилактика фаолияти билан шуғулланувчи ходимлар ўзларига бириктирилган ҳудуддаги криминоген вазиятни аниқлашда қуйидаги маълумотлардан фойдаланадилар:

– маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги аҳолининг сони ва ишсизлар ҳақидаги маълумотлардан;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, кам таъминланган, жанжалкаш ва ноқобил оилалар ҳақидаги, шунингдек, вояга етмаганлар борасидаги маълумотлардан;

– маҳалла посбонлари жамоат тузилмаларидаги паспорт тизими қоидаларини бузаётган ҳамда уйдан узоқ муддатга чиқиб кетган фуқаролар, шунингдек гиёҳвандликка мойиллар, диний экстремистик оқимга аъзо бўлганлар ҳақидаги маълумотлардан;

– диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий, тарбиявий масалалар бўйича маслаҳатчиларда тўпланган ҳудуддаги аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, улар орасидаги ишсизлик, диний экстремистик оқимларга аъзо бўлганлар, шунингдек жиноят содир этишга мойиллар, гиёҳвандлар ва фарзандлари тарбияси билан шуғулланмайдиганлар, фоҳиша, қўшмачи, ахлоқан бузуқ аёллар ҳақидаги маълумотлардан.

Хулоса ўрнида жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, шахнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қатъий интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият жиҳатидан устувор бўлмаса, қонунлар ва миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ҳурмат қилинмаса, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, ҳозирда турли соҳалардаги каби ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини ҳам ислоҳ қилиш энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Ички ишлар органлари профилактика хизматларининг криминоген вазиятни ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш билан боғлиқ фаолиятини такомиллаштириш бутун фаолият давомида режалаштирилган асосда олиб бориладиган тадбирлар мажмуидан иборат бўлиб, айтиш мумкинки, у ички ишлар органлари фаолиятининг барча йўналишлари такомиллашувига чамбарчас боғлиқдир. Бу такомиллашув ҳамкорликдаги фаолиятга ҳам тааллуқлидир. Бунда ҳамкорликни тўғри йўлга қўя оладиган, касбий маҳоратга эга бўлган ходимлар ва раҳбарларнинг роли каттадир.

Профилактика (катта) инспекторларнинг фаолияти натижаларини таҳлил

этиш ва уларни баҳолашда уларнинг касбий билим, кўникма, тажриба ва малакаларининг даражасини аниқлаш билан бир қаторда айнан хизмат олиб бораётган маъмурий ҳудудда жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши даражаси, уларни аниқлаш, сабаб ва шароитларини бартараф этиш бўйича олиб бораётган ишларининг натижалари инобатга олинади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сонли қарори.